

Аламкаш (тахаллуси; асл исми Убайдулло Ислон ўгли) (1846 — hozирги Галлаорол тумани, Кизилкўргон кишлоги — 1924) — шоир, хаттот, таржимон. Ўз кишлогиди мактаб очиб, шу мактаб ўкувчилари учун хисоб илмига оид дарслик тузган. Аламкашнинг 100 дан ортик шеърдан таркиб топган кўлэзма асари, 250 дан ортик шеърни ўз ичига олган девони ва матеиатикага оид асари бизгача етиб келган. Аламкаш «Чор китоб»ни форсчадан ўзбекчага эркин таржима килган (1898). Асар Тошкентда тошбосмада 3 марта кайта нашр этилган (1910, 1913, 1914). Девони кўлэзмаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шаркшунослик институтида (инв. № 11306) сакланади.

## ГАЗАЛЛАР

Бу фалакдин хар замоне ўзга мотамдур менга,  
Кўз ёшим хижронидин хар соате ямдур менга.

Бу тириклик лаззати бу фони дунё ичраким,  
Барчага канду асал бўлса, билинг, самдур менга.

Хожатим ўлмас раво харгиз тириклик шахрида,  
Эхтиёжим бал зиёд ўлмаклиги хамдур менга.

Ул пари айди: «Бу йўллар сарбасар офат эрур»,  
Чунки ўлдурмак бу водий ичра ахтамдур менга.

Кирмасун хеч ким бу йўлга баски холин чокламай,  
Демасун недин бу йўлларда тўла гамдур менга.

Сокиё, келтир кадахни лолагун мийно билан  
Ким, Аламкашликда май бир ўзга оЛамдур менга.

\* \* \*

Нотавонларга бўлур хар дамда афзун эхтиёж,  
Айлади холимни кун-кундин дигаргун эхтиёж.

Арзи матлаб тийра хотирларни равшан айлади,  
Чирки жома кетмади, то бўлди собун эхтиёж.

Хажр арода васли уммиди билан андоки мен,  
Фахр элини вожгун этмакда хамчун эхтиёж.

Эй кўнгул, сен кўрмагил хожатни андак, негаким  
Агниёларга бўлибдур Нуху Хомун эхтиёж.

Демангиз ёлгиз Аламкаш кўнгли хожатдин малул,  
Не диловарларни ҳам килди жигархун эҳтиёж.

\* \* \*

Хажр зиндони аро токай чекарман дарду гам,  
Кўрмушамдур кулфатим дарду алам узра алам.

Кимни кўрсам, меҳрибоним, деб тутибман доманин,  
Кўрдим андин окибат юз минг ситам узра ситам.

Хажр дардию гами андуху мотам кулфати,  
Бу арода халки оламини ситамлик жаври ҳам.

Доги даврон офати бирлан гариблик шиддати  
Йўк эди агёрларни килгудек зулмида кам.

Бу бари бир сори-ю, мен хастага ул дилрабо,  
Кўп газаб бирлан бошимга беибо кўйди кадам.

Толеим вожгуну бахтим чарх давридин забун,  
Хамдамим гулу жунун савдоси — бошимга алам.

Ишкнинг сўзу гудози бенихоят, сабр оз,  
Ёр бепарво, ракиблардин надам узра надам.

Хам сафар асбоби ноанжому манзил нопадид,  
Умр мустаъжал, надоматдин баса кўзимда нам.

Тан кўй эмди, эй Аламкаш, бўлса тақдирингда бул,  
Чора йўк, чунки азалда кетса гар бўйла калам.

\* \* \*

Демангиз силки машойихларни барпо килди шайх,  
Бал аларга ўт кўйиб, оламини расво килди шайх.

Неча бир бемаънию бўйни йўгонларни йигиб,  
Ахли илм бирла уруш килмокка гавго килди шайх.

Демангизким, дин ривожичун килибдур хонакох,  
Фосику муфсид, муфаттинларга ягмо килди шайх.

Доми тазвирин ёйибдур, кўнгли эл сайдига банд,  
Бас ажаб макру риёларни мухайё килди шайх.

Боязиду сийрати иблисваш, сурат учун,  
Элни оздирмок учун талбис иншо килди шайх.

Хирси мисли аждахо, комига тортиб барчани,  
Кўр тамаъсин, хотирин пўршўру гавго килди шайх.

Дема шайх, албаттадур ул деви малъун чокари,  
Чунки ул иблис амрин элга хўб жо килди шайх.

Не учун бордур ани фармонида андок асар,  
Кут бериб аввалда-охир ўзни порсо килди шайх.

Демаким шайхи замондур, балки даврон офати,  
Гарчи юз турлик кароматни хувайдо килди шайх.

Эй Аламкаш, шайхларнинг дастидан дод узра, дод,  
Ким неча мўмин-мусулмонларни тарсо килди шайх,

## КИТЪАЛАР

\* \* \*

Олим улдурки, билсуну килсун,  
Неки килмай жахон-жахон билсун.  
Бу иккида амал эрур максад,  
Одам улки, амал билан ўлсун.  
Гавхари одам амалда эрур,  
Яхши улким, амал билан ўлсун.

\* \* \*

Ишк ахлига дунё хаваси мултамас эрмас,  
Дунё билан ишк истаса ким яхши кас эрмас,  
Ишк ахлини матлубидин ўзга хаваси йўк,  
Ишк оташи бас лойики хар хору хас эрмас.

\* \* \*

Одамий кадри майни билса эрди,  
Кеча ётмасди, раз экар эрди. .  
Кундузи тинмас эрди то окшом  
Сув бериб парвариш этар эрди.  
Ток экар эрди уд ягочидин,  
Посбонлар анга кўяр эрди.  
Зохиду, шайху сўфилар тинмай  
Кеча-кундуз шароб ичар эрди.

Хонакосин килурди майхона,  
Келса ким — анга май тутар эрди.

\* \* \*

Ким сенга итлик айласа ногох,  
Ур анинг огзига таёк билан.  
Урмасанг гар, олар оёгингдин,  
Колгасен хасрат ила дог билан.  
Ким агар килса одамийликни,  
Бер таомингни анга ёг билан.  
Ул килур сенга бил, кадрдонлик,  
Боши бирлан.ёки оёг билан.  
Бу насихатни ол кулогингга,  
Ўтсин умрим десанг, фарог билан.

\* \* \*

Кил ўзинг адабни ўзингдин талаб,  
Керакмас сенга ўзга бир мухтасиб.  
Ёмондин кочиб яхшилик истагил  
Ки, кўп юрма дунёпарастлик килиб.